



# Халқимиз қўлга киритаётган улкан ютуқларда янги Ўзбекистон ёшларининг катта ҳиссаси бор

Ёшлар куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорига мувофиқ, азму шижоати, билим ва салоҳияти билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фаол ёшлар “Келажак бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланган эди.



28 июнь куни Кўксаройда ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йигит-қизларни Ёшлар куни билан табриклаб, меҳру эътиборини изҳор қилди.

— Мамлакатимиз ёшларининг ютуқлари, мақсад ва режалари билан яқиндан танишиб, бекиёс куч ва илҳом оламан. Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича қандай катта имкониятларга эга эканимизни ҳис этиб, хурсанд бўламан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида — давлат бошқарувида, иқтисодиётда, илм ва таълимда, спорт ва маданиятда ёшларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Олий Мажлис палаталари қошида Ёшлар

Парламентлари иш олиб бормоқда. Юртимиздаги ҳар бир ташкилотда ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда.

Давлат ва жамият замонавий билим ва технологияларни эгаллаган, жисмоний ва маънавий етуқ ёшлар билан қудратли. Шу боис, таълим тизими тубдан ривожлантирилмоқда. Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар, олий ўқув юртли етуқ кадрларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. IT-парк, креатив парк ва технопаркларда, маданият ва спорт масканларида ўғил-қизлар сеvimли машғулоти билан шуғулланиб, қобилиятини чархламоқда.

Бу шароитлардан унумли фойдаланган ёшлар илм-фан, спорт, маданият, санъат

ва бошқа соҳаларда катта-катта ютуқларга эришиб, Янги Ўзбекистонни жаҳонга тараqqун этмоқда.

Биргина ўтган ўқув йилида 55 нафар ўқувчимиз математика, кимё, биология, физика ва информатика бўйича нуфузли халқаро олимпиадаларда 8 та олтин, 15 та кумуш, 32 та бронза медалларини қўлга киритган.

Маданият ва санъат бўйича нуфузли халқаро танловларда эса ёшларимиздан 383 нафари бош совринни, 1 минг 400 га яқини 1-ўрнини эгаллаган.

Охириги 2 йилда спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 900 тадан зиёд олтин, 550 дан ортиқ кумуш, 731 та бронза медалларини қўлга киритди. Яқинда Қатарда

ўтган футбол бўйича Осиё кубогидида терма жамоамиз Ўзбекистон тарихида илк бор Олимпия йўлланмасини олишга муваффақ бўлди.

— Сизлар мана шундай натижаларингиз билан янги тарих яратдингиз. Ишончим комил, халқимиз қўлга киритаётган улкан ютуқлар билан бирга, бу натижалар Янги Ўзбекистон тарихига, Учинчи Ренессанс тарихига айланади, — дея таъкидлади Президент.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати халқаро миқёсда тан олинмоқда. Масалан, ўтган йили Ёшлар тараққиёти индексига кўра, Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири, деб эътироф этилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни давлат ва жамият бошқарувида, муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга кенг жалб этиш бўйича 60 дан зиёд ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан маъқулланди.

Шу кунларда азим Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда. Бу ҳам халқаро эътирофнинг яна бир ифодаси экани таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга давлат мукофотларини топширди.

— Бугунги ютуқларингиз — узоқ йўлнинг бошланиши. Давлат шароит яратиши, кимдур ёрдам бериши мумкин. Лекин келажакнинг фақат ўз қўлингизда.

Бу йўлда барча ёшларимизни қўллаб-қувватлаб, орзу-интилишларида муваффақиятлар тиламан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар юксак ишонч ва эътибор, ёшларга яратилган имкониятлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди, ўқини ва ишларида янада катта натижаларга эришиб, халқимиз ишончини оқлашни таъкидлашди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, зиёлилар, ота-оналар иштирок этди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ПРЕЗИДЕНТ ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июнь куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар сарҳисоби, янги вазифа ва таклифлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида ишлар самардорлиги кўриб чиқилди. Охириги етти йилда ёшларга оид 100 дан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилиниб, 200 дан ортиқ имтиёзлар берилгани қайд этилди.

Биргина таълим кредитидан 151 минг ёшлар фойдаланган. Эҳтижман оиладан бўлган яна 110 минг талабанинг шартнома тўлов тўлаб берилган.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали АҚШ ва Буюк Британиянинг энг нуфузли университетларини 50 нафар йигит-қиз битирди. Бугунги кунда уларда ўқиётган ватандошларимиз 200 дан ошди. Умуман, 110 минг ёшларимиз хорижда таҳсил оляпти.

Президент мактабининг баҳолаш тизими 500 та мактабда жорий қилиниши натижасида бир йилнинг ўзида билимларни ўзлаштириш 53 фойздан 60 фойзга ошди. Бу тизим янги ўқув йилидан яна мингта мактабда жорий қилинади.

Бу йил мактабларни 14 мингдан зиёд ўқувчи олтин ва кумуш медаллар билан битирди. “Катта бешлик” фан олимпиадаларида қўлга киритилган медаллар охириги тўрт йилда 2 қарра кўпайди.

“Оилавий тадбиркорлик” дастурлари доирасида берилган кредит эвазига 1 миллион ёш иш билан таъминланди. 205 та “Ёшлар саноат зонаси”да 1 минг 200 та лойиҳа ишга туширилди. Ҳозирда бизнесдаги айланма маблағини миллион доллардан оширган 1,5 минг нафар ёш тадбиркор бор.

Давлатимиз раҳбари ёшларда билим ва янги гоълар кўплиги, уларга шароитлар

янада кенгайтирилишини таъкидлади. Жумладан, улар куйидагилар:

Мамлакатимиз жадал ривожланиши учун “тўртинчи саноат” касблари жуда муҳим. Шу мақсадда ёшларнинг физика, кимё, биология, технология, муҳандислик, математика билан боғлиқ касбларга қизиқшини ошириш учун янги тизим бўлади. Олий ўқув юртли қошидаги жами 73 та академик лицейда тажриба тарзида “Халқаро бакалаврият” ва “A-Level” дастури жорий қилинади. Бу дастурлар асосида сертификат олган ўқувчилар ўша олийгоҳга имтиҳонсиз, контракт асосида қабул қилинади.

“SAT” тестида 75 фойздан юқори натижа кўрсатган ўқувчилар мамлакатимиз университетларига ҳам гранта қабул қилинади.

Ногиронлиги бўлган ёшларга чет тили бўйича миллий сертификат олишда компьютерда имтиҳон топшириш шароити яратилди.

Ёшларимиз халқаро олимпиадаларнинг назарий қисмида ҳар доим юқори натижаларга эришса-да, лаборатория машқларини бажаришда пастроқ балл оляпти. Шу боис, энди Президент таълим муассасалари агентлиги қошида Олимпиадаларга тайёрлаш маркази очилиб, махсус лабораториялар билан жиҳозланади. Халқаро олимпиадада қатнашувчи терма жамоа режа асосида ушбу марказда тайёргарлик кўради. Бунинг учун ҳар бир фан бўйича малакали олим ва хорижий мутахассислар жалб қилинади.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯЛИК КОМПАНИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни Туркиянинг “Cengiz Holding” компанияси раиси Мехмет Жениз ва “Kalyon Holding” компанияси раиси Жемал Калёнжу бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимизнинг яқинда Анкарага ташрифи давомида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Туркия Ишбилармонлар кенгаши йиғилишининг яқунлари мамнуният билан қайд этилди. Эришилган келишувлар

ижросини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Компаниялар томонидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалари муҳокама қилинди.

Йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва қуриш, “яшил” энергетика қувватларини барпо этиш, қўшма геологик тадқиқотлар ўтказиш ва истиқболли конларни ўзлаштириш лойиҳалари шулар жумласидан.

Таъкидлаш жоизки, “Cengiz Holding” иштирокида Ўзбекистонда иккита лойиҳа муваффақиятли яқунланди — Тошкент ва Сирдарё вилоятларида умумий қуввати 460 мегаваттли замонавий электр станциялар ишга туширилди. Бундан ташқари, Жиззах вилоятида қуввати 500 мегаваттдан зиёд бўлган яна бир электр станция қурилиши давом этмоқда.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## ДУНЁ МАТЛАБИ

унинг тафаккури ўзгармоқда

Дунё ўз тамаддунининг янги босқичига ўтмоқда. Ҳаёт шиддати ҳеч биримизни тинч қўяётгани йўқ. Бугунги замон руҳи фикран теранлик, маънавий юксаклик ва эътиқодда собитликни талаб қилаётгани ҳам бор гап.

Аслида, бу уч муҳим матлаб кишилик жамиятига ҳамини ойдинлик бағишлаб келган. Аммо тараққиёт шиддати ва табиатнинг ўзгараётган руҳи олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Шундай шароитда инсон ўзини ислоҳ қилиши

керак бўлади. Яъни ҳар биримизнинг олдимизда битта савол туради: **давр шиддатига муносиб бўлиш учун нима қилишимиз зарур?**

Давоми 3-бетда

# ПРЕЗИДЕНТ ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузурдаги Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси Ёшлар ишлари агентлиги тизимига ўтказилди. Лойиҳанинг тайёр бизнесга айланиб, даромад келтиришгача барча жараёнда кўмаклашилади. 14 та туман танлаб олиниб, “тўртинчи саноат” касбларига ўқитиш маркази очилди.

Жамғарма томонидан ҳудудлардаги Ёшлар саноат зоналарида бинолар қурилиб, “саноат ипотекаси” асосида юқори қиймат яратадиган лойиҳалар учун ёшларга 7 йилда бўлиб тўлаш шарти билан берилди. Бунда биринчи йили тўлов ундирилмайди.

Ҳар бир вилоятдаги биттадан Баркамол авлод марказида “Креатив саноат парклари” ташкил қилиниб, уларга IT-парк резидентлари учун назарда тутилган имтиёзлар берилди. Бу жойлар ёш тадбиркорлар, илм ва бизнес ўртасида мулоқот майдончаси бўлади. Жамғарма бу ердаги ёшларнинг “стартлаплари”га уч йилга 100 миллион сўмгача сўда беради.

Магистрал йўллар бўйида 50 мингта кўчма савдо нуқталари ташкил қилиниб, ёшларга ижарага берилди. Бунда дастлабки 6 ойда ёшлар ижара ҳақи ва солиқ тўламайди.

Маълумки, йил бошида ҳокимлар, вазирлар ва давлат ташкилотлари раҳбарларига шароити огир 4 миллион ўғил-қиз бириктирилган эди. Манзилли ишлаш натижасида, ҳаётда қийинчиликка дуч келган 420 миң ёшлар муаммоси ҳал этилди, 65 мингнинг баъдиди тасминланди. Алоҳида эътиборга муҳтож 1 миллион ёшлар спорт билан шугулланиши бошлади.

Шу таразда, тарбияси огир, оилавий ажрим ёқасидаги ва жиноятга мойиллиги бор ёшларни тўғри йўлга бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Мактаб, коллеж, олий ўқув юртлирининг стадионлари, спорт зали, бассейни ва кутубхоналари маҳалла ёшлари учун доим очик бўлиши белгиланди. Шунингдек, ёз мавсумида спорт мусобақалари, ижодий танловлар ва кино кунлари ўтказилиши айтилди.

Меҳнат армаркалари ташкил қилиниб, 350 миң ёшларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилади. Шунингдек, 100 миң кишини қурилиш ишларига жалб қилиш мумкин.

Қизларга кўмаклашиш, шароитларини яхшилашга эътибор давом эттирилади. Огир шароитга тушиб қолган хотин-қизлар учун барча ҳудудларда 1 хонали ижтимоий уйлар қурилади. Улар ишга жойлашиб, “оёққа туриб олгунга қадар”, ушбу уйларда 3 йил давомида бепул яшаши мумкин бўлади.

Соғлиги туфайли ишга қатнай олмайдиган қизлар хонадонида касаначилик ёки масофавий иш билан таъминланади. Бундан ташқари, уч ёшгача фарзанди бор талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади.

Йиғилиш очик мулоқот шаклида бўлди. Юртимизнинг турли ҳудудларидан қатнашган ҳамда чет элларда ўқиётган ёшлар ўз фикр ва таклифларини билдирди.

Мутасаддиларга уларни умумлаштириб, фармон лойиҳасига киритиш топширилди. — Ёшларимиз ҳаётда муносиб ўрнини топиши учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ ишга солаемиз. Сизлар мамлакатимизнинг ишончи ва таянчи, келажагимиз бунёдкорларисиз, — деди Президент.

ЎЗА

## Эътибор



Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, “Ватанпарвар” бирлашган тахририяти катта муҳбири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби



Хилола ОРТИҚБОЕВА, Кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, “Келажак бунёдкори” медали соҳибаси

# ЮРТ ШАЪНИ ВА ИФТИХОРИНИ КЎТАРИБ ЮРГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН!

Президентимизнинг шу йил 27 июндаги фармон ва қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ фаол ёшлар “Келажак бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланган эди. Қўйида мукофотланган ёшларнинг дил иззори, миннатдорлик сўзлари эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Ҳар йилнинг мамлакатимизни ривожлантиришдаги муайян устувор стратегик масала билан боғлиқ ном билан аталиши сиёсий анъана сифатида эътиборга молик. Бу йилнинг “Ёшлар ва бизнесни кўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилингани замирида ҳам эзгу мақсадлар кўзланганига аминимиз.

Ҳозир Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаларига таълим бериб келяпман. Фаолиятим давомида баъзи бир инсонлар “Сессиянинг баҳоси қанча бўлпти?” деб ҳазил аралаш сўрашарди. Мен эса бундай гаплар аллақачон ўтмишда қолгани, ҳозир олий таълим

тизимда тўлиқ кредит-модул асосида шаффоф фаолият йўлга қўйилгани, ўқитувчилар зиммасидан дарс ўтишдан бошқа барча ортиқча вазифалар олиб ташлангани ҳақида ғурурланиб айтишдан чарчамайман.

Давлатимиз раҳбари қарорига биноан “Мард ўғлон” давлат мукофоти лойиқ кўрилиб, Ёшлар куни арафасида кўплаб иқтидорли йигит-қизлар қатори тақдирланганимдан бениҳоя мамнунман.

Президентимиз доим ҳамма соҳага илм билан ёндашиш зарурлигини таъкидлайди. Биз, ёшлар бу гаплардан катта қувват, рағбат олаемиз. Илм билан шугулланиб, тадқиқотлар ўтказаямиз. Натижаси эса

кейинги йилларда эришаётган ютуқларимизда намоён бўляпти.

Ўзбек педагогика фани асосчиси Абдулла Авлоний “Илм инсон учун гоат олий ва муқаддас фазилатдур ва у бизга ўз ахлоқимизни ойна каби кўрсатар, зехнимизни ва фикримизни ўткир этур”, деб бежиз таъкидламаган. Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати мазкур қатлам вакилларини ислохотларга муносиб ҳисса қўлиши, имтиёزلардан умумли фойдаланишга рағбат ўйғотмоқда.

Давлатимиз раҳбари янгиланган Конституцияимизнинг фундаментал принципларидан келиб чиқиб, дунёвий давлатимизнинг нурилик истикболини айнан келажак бунёдкорлари бўлган ёшлар тимсолида, бахту камолда, эришажак оламшумул ютуқларида тасаввур этмоқда. Ёшларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайдиган Президентини бор юртинг фарзанди эканлигидан ҳар қанча ғурурлансанг арзийди.

Туркменистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам юксак мукофотга сазовор бўлдим.

Меҳнатларим, спортда эришаётган натижаларим юксак эътироф этилганидан жуда хурсандман. Президентимиз фармонида биноан “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотланганим тўғрисидаги хабар нафақат мен, балки сирдарёлик барча тенгдошларим қалбига бир олам шодлик олиб кирди.

Бу ютуқларим замирида машаққатли меҳнат билан бирга, давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор ва яратиб берилган шароитлар турлидир, деб биламан.

Мукофот катта хурсандлик билан бирга зиммамизга улкан масъулият юклямоқда. Президентимизнинг “Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта говдир”, деган гапи бизни яна олдинга чорлаб, меҳнат қилишга ундайди.

Ҳар сафар майдонга тушар эканман, ортимдаги катта бир ишонч мени олдинга бошлайверади. Елкамдаги байроқ, дунё мамлакатлари ёшлари жам бўлган минбарларда мамлакатимиз мадҳисиси янграганда, мен ўзбекман, ўзбек қизиман, дея ҳайқиргим келади.

Бу Ватан саодати, хурлиги йўлида бугун минглаб ёшлар ўз соҳаларида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Мана шу ёшларнинг орасида мен ҳам борлигимдан, елкамда Ватан шаъни, юрт ифтихорини кўтариб юрганимдан фахрланаман.

## Ислохотлар амалда

# ФАҚАТ ЁРДАМ КЎРСАТИШ БИЛАН ВАЗИЯТ ЎНГЛАНМАЙДИ



Ҳаёт синовлари туфайли ёлғизланиб қолган кексалар, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари кўпроқ меҳр ва эътиборга зарурат сезади. Халқпарвар давлатимиз, меҳрибон халқимиз бундай инсонларни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўйгани йўқ. Жумладан, Фаргона шаҳридаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг аҳолини ижтимоий ёрдам ва хизматлар билан қамраб олаётгани кўплаб оилаларнинг ҳаёт тарзини ўзгартирмоқда, бугуни ва келажакка ишончини оширяпти.

муассасасида экани аниқланиб, алоқа тикланди. Умидахон 1-гуруҳ онасига қараб турганлик далолатномаси расмийлаштирилиб, шу орқали болалар нафақаси тайинланишига кўмаклашилди. Тадбиркорлар кўмағида аёлнинг икки фарзандига ўқув куроллари, кийим-кечаклар олиб берилиб, мактабга қайтарилди, инглиз тили тўғрисида йўналтирилди. Бугун ҳам оиланинг ҳолати мунтазам мониторинг қилинмоқда.

— Яхшилар меҳридан куч-қувват олиб, ҳаётга ишончим ортди, — дейди Умида. — Ёлғизланиб, жуда қийналиб қолгандик. Фарзандларим ёш, қўлидан иш келмайди. Яқинларим, маҳалладошларим имкон қадар қўллаб-қувватлаб турибди. Лекин қўлдан берганга қўш тўймас экан-да. Маҳалламиздаги ижтимоий хизмат ходими



”

**Ижтимоий ходимларнинг ўрганиши натижасида ота-она қарамоғисиз қолган, меҳрга ташна 388 бола борлиги аниқланди. Уларнинг 22 нафарига васий, 10 нафарига ҳомий тайинланиб, 7 нафари оилаларга берилди, 4 нафари оилавий болалар уйи, 3 нафари эса болалар уйига жойлаштирилди.**

”

уйимизга келиб, оилавий аҳолимиз билан танишди. Ҳар жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатганидан хурсанд бўлдик. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ҳаётга ёруғлик олиб кирди. Турмушимиз кундан кун яхшиланиб, қийинчиликлар аста-секин ортда қолмоқда. Ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонаман. Қийин дамларда суянчиқ бўлиб, бошимизни силаётган, янги имконият, имтиёزلар бераётган яхшилар ҳимматидан жуда миннатдорман.

Санобархон Исоқова “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди.

2-гуруҳ ногирони. Бу хонадон ҳолати ўрганилганда 2015 йили туғилган фарзанди Зилолаҳон Жўраева уйда таълим олаётгани, отасининг қаршилиги сабабли шу кунга қадар ногиронлик гуруҳи белгилангани аниқланди. Ижтимоий ходим боланинг психологик ҳолатини яхшилаш учун психологларни жалб қилди. Педагогик, тиббий-психологик комиссия хулосасини олишга кўмаклашилди, Зилола уй таълимидан умумтаълим мактабига ўтказилди. Ногиронлик гуруҳини белгилаш учун ота-онасининг розилиги олиниб,

педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига йўналтирилди. Гапиришда нуқсон борлиги инобатга олинган ҳолда болалар ижтимоий мослашув маркази логопед хизматида бириктирилди.

— Бир огиз ширин сўз, эътибор ва ғамхўрлик ҳар қандай кишининг кайфиятини кўтарди, — дейди Фаргона шаҳри “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори Гиеёсон Ҳайдаров. — Фаргона шаҳрида ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож тоифадаги 18 миңдан ортиқ киши яшайди. Шу кунга қадар уларни “маҳаллабай” аниқлаб, эҳтиёжини ўрганадиган, зарур ёрдам ва хизмат кўрсатадиган профессионал тизим йўқ эди. Маҳаллаларда ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилган, бу йўналишда жуда кўп ҳолатлар юзага чиқди. Айрим фуқароларга турли ташкилотлар орқали устма-уст ёрдам берилиб, бошқалари бутунлай эътибордан қолди кетган. Ногиронлиги бўлган фуқароларни фаол ҳаётга қўлиши, меҳнат, спорт ва касб-ҳунарга йўналтириш ўрнига фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолган. Ногиронлиги бўлган фуқаролар хонадонига бирма-бир кира, муаммоларини ўрганиш жараёнида

борлиги маълум бўлди. Айниқса, замонавий протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш талаб даражасида эмаслиги уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишига имкон бермаган. Ижтимоий нафақалар ҳам кўп ҳолатларда адолатсиз тўлаб келинган. Баъзи ўзига тўқ оилалар ҳам бу имтиёزلардан фойдаланган. Хусусан, 1000 га яқин оила фақат нафақага боғланиб қолиб, йиллар давомида такрор-такрор нафақа олиб келгани маълум бўлди. Чунки шу кунга қадар бу маълумотларни умумлашган ҳолда таҳлил қилиб берувчи тузилманинг ўзи йўқ эди. Бу тоифадаги аҳолига ҳар бир ташкилот ўз вазифасидан келиб чиқиб, бир томонлама ёндашган. Энди ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини аниқлаш, манзилли ёрдам кўрсатишнинг ўзинга хос шаффоф ва холис тизими яратилгани муаммолар ечимида кўл келаяпти. Маҳаллаларга бириктирилган ижтимоий ходим бундай оилаларни аниқлаш ва огир вазиятдан чиқаришдаги муаммо ва имкониятларни комплекс ўрганади. Ҳар бир масала ечимини бўйича соҳа масъулларига йўналтирилиб, оиладаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали ижтимоийлашувни таъминлаш чоралари кўриломоқда.

Фаргона шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида очик танлов асосида саралаб олинган 46 нафар ижтимоий ходим фаолияти юритилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча масала улар орқали холис ва ҳаққоний тарзда ҳал қилинишига эътибор берилаяпти. Бундан ташқари, ижтимоий ходим аҳолига давлат томонидан қафолатланган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар тўғрисида, шунингдек, аҳолининг мазкур хизматларини олиш ҳуқуқи бўйича тушунтириш бериб бормоқда. Ўтган 5 ойда ёлғизлар реестрида бўлган 82 шахс рўйхатдан чиқарилди.

— Ёлғиз яшовчи кекса сифатида рўйхатга олиб, менга ижтимоий ходим ассистенти бириктириб берилди, — дейди “Улуғбек” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Комила Маҳмуджоновна. — У тез-тез хабар олиб, турмуш шароитини яхшилашда ҳар жиҳатдан кўмак бериб, қўллаб-қувватлаяпти. Бундай ғамхўрлик ва эътибордан кўнглим тоғдек кўтарилди.

“Зарбдор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Одинахон Дадажоновнага болалар церебрал фалажлиги ташхиси қўйилган. 2021 йилда ҳомийлик асосида болалар ногиронлик аравачаси билан таъминланган. Ўрганиш жараёнида боланинг гавдаси катталашгани сабабли ногиронлик аравачасига сиймай, кўплаб ноқулайликлар юзага келаяпти аниқланди. Маҳалладаги ижтимоий ходим саъй-ҳаракати билан белгиланган тартибда ногиронлар аравачаси билан таъминланди. Ижтимоийлашувни таъминланган Одинахонни энди инклюзив таълимга жалб этиш чоралари кўриломоқда.

Ижтимоий ходимларнинг ўрганиши натижасида ота-она қарамоғисиз қолган, меҳрга ташна 388 бола борлиги аниқланди. Уларнинг 22 нафарига васий, 10 нафарига ҳомий тайинланиб, 7 нафари оилаларга берилди, 4 нафари оилавий болалар уйи, 3 нафари эса болалар уйига жойлаштирилди. Чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг 8 нафари “Меҳр дафтари” жамғармаси ҳисобидан уй-жой билан таъминланиши режалаштирилган. Бугунга қадар 5 нафари уй билан таъминланди, бошқа хонадонларда таъмирлаш ишлари кетмоқда.

— Ҳар ким ҳам ўз уйи, бошпанаси бўлишини орзу қилади, — дейди “Абдурахмон Жомий” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шаҳоб Одилов. — Шаҳар марказидан барча шарт-шароитга эга уй-жой ажратиб берилди. Кўрсатилган амалий ёрдам, ғамхўрликдан чексиз миннатдорман. Янги уй ҳаётимда янги имконият эшикларини очди. Билдирилган ишонччи оқлаш, юрт тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўлишга ҳаракат қиламан.

Қўйналган дамларда суянчиқ бўлиш, моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга манзилли ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими ҳаётга татбиқ этилгани янги Ўзбекистонда инсон шаъни ва қадр-қиммати нақадр улуг эканлигидан далолат беради.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

YOSHILAR KUNI



# ДУНЁ МАТЛАБИ

## унинг тафаккури ўзгармоқда



Салим ДОНИЙОРОВ

Бошланиши 1-бетда

### Дарёлар оққан жойига яна оққани қайтиб келади

Ҳаёт ҳар бир авлод олдида мукамал вазибалар, турфа қисматлар битигини қўяди. Биз бугун ўрта бўтин авлодмиз. Эъзозимизда — устоз авлод, иззатимизда — азму шижоатли ёш дўстларимиз бор. Шу маънода, уч авлод олдида ўзаро уйғунликда ривожланиш, ҳамжиҳатликда юрт тараққиёти йўлида хизмат қилиш — тақдиримиз.

Ҳаёт ҳар бир авлод олдида мукамал вазибалар, турфа қисматлар битигини қўяди. Биз бугун ўрта бўтин авлодмиз. Эъзозимизда — устоз авлод, иззатимизда — азму шижоатли ёш дўстларимиз бор. Шу маънода, уч авлод олдида ўзаро уйғунликда ривожланиш, ҳамжиҳатликда юрт тараққиёти йўлида хизмат қилиш — тақдиримиз.

Ҳаёт ҳар бир авлод олдида мукамал вазибалар, турфа қисматлар битигини қўяди. Биз бугун ўрта бўтин авлодмиз. Эъзозимизда — устоз авлод, иззатимизда — азму шижоатли ёш дўстларимиз бор. Шу маънода, уч авлод олдида ўзаро уйғунликда ривожланиш, ҳамжиҳатликда юрт тараққиёти йўлида хизмат қилиш — тақдиримиз.

Ҳаёт ҳар бир авлод олдида мукамал вазибалар, турфа қисматлар битигини қўяди. Биз бугун ўрта бўтин авлодмиз. Эъзозимизда — устоз авлод, иззатимизда — азму шижоатли ёш дўстларимиз бор. Шу маънода, уч авлод олдида ўзаро уйғунликда ривожланиш, ҳамжиҳатликда юрт тараққиёти йўлида хизмат қилиш — тақдиримиз.



бўлади. Булар сирасига халқлар қадриятлари, оилавий тутумлар, инсоний муносабатлар, турмушнинг муқаддас шартлари ҳам кирди. Уларнинг ҳар бири ўзаро боғлиқликда тириклик ўчоғини чўғлантриб туради.

Қачонки ана шу асосларга пугтур етса, ҳазрати инсон маънавиятига оро берувчи урф-одатлар, анъаналар поймол бўлса, ўша жойда мувозанат бузилади, инқироз кўз очади.

Бу ўринда яна бир мулоҳаза бор. Яъники, миллат ва мамлакат инқирози фақат ахлоқсизлик ва тарқоқлик оқибатидан ҳосил бўлур. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат “Шарқ сиёсати”да шундай ёзади: “Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиғи, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди... Шарқ билим, ҳунар йўлида Оврупа жаҳонгирларидек ўртоқ қони ичмак ва орқадош уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмоқ учун тиришар эди... Биз, шарқилар, дақи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузулиб қолдик, йўлдан оздик, эзгу тилакларимизни унута бошладик. Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдик, оқчага берилдик, оқчага сотилдик”.

Бу тарих сабоғи — Шарқ инқирози асоси. Биз бу хатонинг жабри билан узок йиллар маҳкум яшадик. Минг шукрки, бугун мустақил юртимизда олиб борилаётган янгича сиёсий дипломатия билан катта имкониятлар эшигини қоқиб турибмиз.

Халқимизда “хуш ёқибди”, деган пурмаъно ибора бор. Шарқнинг бугунги идроки бу маънони ўзида жамлай олади. Бизнинг ютуқларимиздан энг муҳими — қадрият ва анъаналарни асраб қолганимиздир. Бу қандай қадрият ёки анъана эди? Аввало, ота-она ва фарзанд ўртасида меҳр-муҳаббат риштаси, оилавий муносабатларда табиат қонунларини бузмаслик, неъматларнинг қадрига етиш, инсониятга ҳурмат билан қараш, маҳалла-қўй, кайвонилар билан бамаслаҳат иш тутуш, пок яшаш. Шарқдаги қайта тикланаётган қудрат асосларидан бири ҳам шу аслида.

Ренессанс ҳодисаси қайтишининг яна бир қатор муҳим асослари борки, улар ҳақида навбати билан сўз юритамиз.

**“Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истасак...**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида ҳаётини чорловни айтган эди: “Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз ҳозирги кескин шароитда гоёвий-мафқуравий

соҳада рақобатга тайёрми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бериштими?”

Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.

Мана шу фикримизга битта мисол келтирамиз. Оталаримиз фарзанди туғилса, унга атаб, албатта ниҳол эккан. Бу ниҳол азим дарахтларга айланган. Дарахт ҳаёт, тириклик, мўл-кўллик рамзидир. Ёки яна бир мисол: оилада эрақлар, асосан, йигитлар узоқ сафарга отланса, уларга бутун нонни тишлаб қолишган. Бир тишлам узилган нон улар уйга қайтувчи озода жойда осилгич турган — токи йигит насибаси туғилган маконидан узилмасин.

Бу мисоллар халқимизнинг табиатдан қувватланиш ва ҳаёт занжирларига боғланиш,



Анжуманда АЙСЕКО Бош директори Салим Муҳаммад ал-Малик нутқ сўзлади. У ўзбек халқининг даҳоси ҳақида гапирар экан, жумладан, Ўзбекистон байроғининг илҳомбахш ранглари фалсафаси ва унинг миллий давлатчилигимиз тарихига таънувчи рамзларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шу тарих байроғимизга ўз ҳавасини яширмади.

Ойиги, мен шу пайтгача бирор хорижликдан Ўзбекистон байроғининг чиройи ва унинг фалсафий маъноси ҳақида эшитмаган эдим.

Салим Муҳаммад ал-Малик ўз нутқида миллатимиз буюклиги ҳақида ҳам жуда адолатли ва илмий асосли фикрларни билдирди. Ўзбек халқи ўзлигини мустақкам сақлаб келаётгани, томиримизда ҳаётини қудратга эга аждодларимиз қони оқаётгани ҳақида айтди. Миллатимизнинг қудрати ҳақида гапириб, бизнинг аждодларимиз дунё тамаддунига хизмат қилган энг муҳим илмларни, кашфиётларни тўхтаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

Шунингдек, бугунги Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида дунёга илҳом бахш этувчи ва намуна бўлувчи юрт сифатида ўзини кўрсатаётганини эътироф этди. Бу кутлуг заминда янги тафаккур тарихи қад ростлаётганидан сўзлади меҳмон.

Биз бу эътирофларни бежиз келтирмаймиз. Янги Ўзбекистон фалсафасида ишоралар, муждалар кўп. Улардан бири кечаги маком фестивалида намоён бўлди, дейиш мумкин.

Авалли мақолаларимиздан бирида маконим ҳам, бахши айтимларини ҳам қалби пок ва нияти эзгу инсонлар эшитиши ҳақида айтган эдик. Чунки халқимиз азал-азалдан самимийлик, табиийликни севиб яшаган. Жайдарлик, тўғрисузлик бизга ота мерос. Бу тўғма моҳият ҳосиласи сифатида халқ оғзани ижоди — дostonлар, куй-қўшиқлар, маком санъати яралган. Шу шу мақома дostonлар бизнинг вужудимизга айланган, дегандик.

Куни кеча Зоминда Халқаро маком анжумани очилишида бу фикримизнинг исботини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу ерда 80 дан ортиқ мамлакатдан келган қарийб 400 нафар меҳмоннинг қалби миллий мақомимиз сеҳридан сел бўлди.

Президентимиз ўз нутқида буюк Алишер Навоий бобомизнинг мана бу сўзларини келтирди: “Кўнгилик қувватини — хуш навоздин, рух қути — хуш овоздин”. Дарҳақиқат, биз бу анжуманда наво ва сўз қудратидан кўнгилик ҳамда рух қувватланиши ҳодисасига гувоҳ бўлдик.

Мавриди билан айтадиган бўлсак, биз бугун дунёга ана шундай илҳом бахш этаётган азиз юрда яшаётганимиздан ҳақли равишда фахрланишимиз керак.

Энди яна бир гапни айтмасак бўлмас. Бугун ёшлар даврасида жуда кўп замонавий терминларни ишлатишга мажбурмиз. Шулардан бири — ноу-хау (инглизчада — know how, яъни “қандайлигини биламан”).

Бунинг билан бирга Президент мактаблари битирувчилари дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юрталарига ўқишга қабул қилинаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Шу билан бирга яна айтмоқчи бўлганимиз, бизнинг фарзандларимиз нафақат илмий ноу-хауларни чуқур билиши, балки замон талабига кўра, маънавий юксалишида ҳам “қандайлигини биламан”, деган авлод бўлишини жуда-жуда истардик.

Чунки бугун дунё матлаби ўзгармоқда. Унинг тафаккури биздан ҳақиқий ватанпарварлик, дунёга ёруғ юз, адолатли фикр ва ўз сўзимиз билан боқишни талаб қилмоқда.



Куни кеча Зоминда Халқаро маком анжумани очилишида бу фикримизнинг исботини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу ерда 80 дан ортиқ мамлакатдан келган қарийб 400 нафар меҳмоннинг қалби миллий мақомимиз сеҳридан сел бўлди.

яъни наслий баркамоллик билан алоқадор ҳодиса эканини унутмаслик керак. Дарвоқе, шунга ўхшаш фикрларни куни кеча Зоминда — II Халқаро маком санъати анжуманининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан АЙСЕКО Бош директори Салим Муҳаммад ал-Малик ҳам алоҳида эътироф этдики, бу ҳақда сал кейинроқ тўхташимиз.

Хуллас, элимизнинг ёшлик қуввати асоси томирларимизда оқаётган наслий қадриятлар ва ота-боболаримизнинг зақолик меросидир.

**Иккинчидан, ёшлик фаслида ахборот бор.** Бу, аввало, туйгулар ахбороти. Инсон қалбида туйгуларни уйғотиш ва камолга етказиш ниҳоятда мураккаб ва кутлуг жараён.

Шу боис, оилада қобил фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки боғлиқ эзгу туйгулар билан шаклланади.

Яна бир ахборот — мансуллик ва дахлдорлик ҳисси. Инсон ўзи туғилган ва яшаётган элга меҳрли бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапираримиз. Аммо бу қандай содир этилади? Албатта, меҳр ва эътибор кўрсатиш орқали. Шу маънода, бугун мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган гамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитлар, ўз навбатида, йигит-қизларимизни Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан маҳкам боғламоқда.

Навбатдаги ахборот — келажакка ёруғ ишоралар ҳосиласи. Мақоламиз аввалида ўзгараётган дунё моҳияти ҳақида гап бошлаган эдик. Бу ҳақда жуда чуқур ўйлашимиз керак бўлади.

Ўзимизни дунёга қандай танитамыз, деган савол бугун ҳар биримизнинг ўй-фикримизни чулбаб турадиган замон келди. Бундан мақсад эзгудир: тахликага тўлиб бораётган бир даврда тинчлик тобора қадри неъматга айланиб бормоқда. Шундай шароитда

Бу осон ўтказиб юбориладиган, безътибор қолдирилмайдиган гаплар эмас. Айниқса, “Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бериштими?” саволига ниҳоятда жиддий қарашимиз керак. Негаки, мамлакат ва миллат тақдирини бугунги ёшлар белгилаб беради.

Мамлакат тараққиётини ёшлар билан боғлашимиз замирида жуда катта фалсафий маънолар бор.

**Биринчидан, бизнинг миллатда ёшлик қуввати сўнмайди.** Ота-боболаримиз “Ўзимиз қарисак ҳам, қалбимиз ёш”, “қариллик бизни енголмайди”, “ҳали билагимда куч кўп” каби жўшқин ҳазил руҳидаги гапларни бежиз айтмайди. Бу гаплар замирида миллий қувват бор.

Қадим-қадимда ота-боболаримиз табиат билан бирга кўчиб яшаган. Бу яшаш тарзида ҳаётта буюк муҳаббат, умидворлик ва яратувчанлик мақсадларига катта интилишлар ҳисси мужассам бўлган.



Мулоҳаза

Хозир кўча-кўйда кўпчиликнинг телефон экранини босиб туриб, тангачалар йиғаетганига дуч келамиз. Бу ўйинлар, айниқса, ёшлар орасида анча оммалашди. Боз устига, айнан шу ўйинлар орқали топилган пуллар сабаб жавобгарликка тортилаётганлар ҳақидаги хабарларни ҳам ўқиймиз. Хўш, шундай ўйинларнинг бу қадар оммалашшига сабаб нима? Уларнинг ёшларимиз учун қанчалик фойда ёки зарари бор?

КРИПТОВАЛЮТА:



Жонибек АЛИЖОНОВ, "Анги Ўзбекистон" мухбири

ЁШЛАРГА ШАРОИТ ЕТАРЛИМИ?

Ҳақ шундаки, асосан, телеграм платформасида ўйналадиган мазкур ўйинлар асослари йиғилган тангачаларни муайян тартиб асосида криптоактивларга алмаштиришни ваъда берган. Ўз ўрнида, бу турдаги валютани махсус биржаларда сотиш мумкин. Қисқача айтганда, ҳеч қандай харажат қилмай, муайян миқдордаги пулга эга бўлиш ис-таги дунё бўйлаб миллионлаб одамларни шу ўйинларга қизиқтириб кўймоқда. Дастлабки ўйинлардан бири "Notcoin"нинг нуфузли криптобиржаларда сотувга чиқарилиши ва нархи кескин ўсishi бу қизиқишни каррасига ошириб юборди.

Криптовалюта нима?

Криптовалюта — рақамли валюта тури. Унинг ички ҳисоб бирликлари марказлаштирилмаган тўлов тизими томонидан таъминланади ва тўлиқ автоматик режимида ишлайди. Криптовалютанинг ўзи ҳеч қандай махсус моддий ёки электрон шаклга эга эмас. Криптовалюта атамаси илк бор 2011 йилда Forbes журналида Bitcoin тизими

ҳақида мақола чоп этилгандан кейин кенг қўлланила бошланди. Bitcoin криптовалюталарнинг биринчиси ҳисобланади. Бугун у умумий бозорнинг 50 фоиздан ортигини эгаллаган. Ҳозир мавжуд криптовалюталарнинг аниқ сонини айтишнинг имкони йўқ. Сабаби, уларни яратиш осон. Худди шунингдек, йўқолиши ҳам тез. Шунинг учун кўпчилик муайян мақсадли лойиҳалар асосидаги криптовалюталарга сармоя киритишни



афзал билади. Чунки криптовалюта соҳасида йўқотилган маблағни қайтариб олишнинг иложи йўқ. Айнан шу омил туфайли кўпчилик криптовалюталарни бутунлай таваккалчилик асосидаги соҳа, деб ҳисоблайди. Бироқ криптовалютага келажак пули сифатида қаровчилар ҳам йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Чунки уни тўғридан тўғри, ҳеч қандай воситачиларсиз сотиш олиш ёки сотиш мумкин. Бу эса аксар инвесторлар томонидан анъанавий банкларнинг аралашувида ҳамда ортиқча назоратдан озод бўлиш йўли сифатида қаралмоқда. Янада тушунарли қилиб айтганда, криптовалюталарнинг аниқ назоратини йўқ. CoinMarketCap маълумотларига кўра, бугунги кунда криптовалюталарнинг умумий бозор қиймати 2,35 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу дегани, дунё бўйлаб шунча миқдордаги маблағ марказлаштирилмаган равишда сақланмоқда ҳамда савдо қилинмоқда.

Энди савол туғилади — Ўзбекистонда ҳам криптовалюта савдоси билан шуғулланиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Бироқ қонунчиликда белгиланган нормалар асосида. Ўзбекистонда криптоактивлар айланмаси, капитал бозори, сугурта, электрон тижорат, лотерея ташкил этиши ва букмекерлик фаолияти соҳаларини тартибга солиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат ташкилоти Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳисобланади. 2022 йил 29 декабрь кунини асос қилиб расмий веб-сайтида 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари криптоактивларини сотиш олиш, сотиш ёки айирбошлаш бўйича операцияларни фақат миллий хизматлар провайдерлари орқали Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган тартибда амалга ошириши мумкинлиги ҳақида хабар эълон қилинган эди.

Яъни Ўзбекистон фуқаролари фақатгина мазкур агентлик томонидан лицензияланган криптобиржа ва криптодўконлар орқалигина криптовалюта олди-сотдосини амалга ошириши мумкин. Бироқ бу криптобиржалар дастурий жиҳатдан ҳали номукамаллиги сабабли трейдерлар томонидан қизиқиш билдирилмади. Бу эса трейдерликка қизиқувчилар, айниқса, ёшларнинг мамлакатимизда ноқонуний ҳисобланган топ криптобиржалардан фойдаланишда давом этишига сабаб бўляпти.

Шахсан ўзим қизиқиш тариқасида мамлакатимизда лицензияга эга бўлган UZNEX криптобиржасидан фойдаланиб кўрдим. Ҳақиқатан, ушбу криптобиржани топ биржалар билан таққослаганда орадаги катта фарқ яққол намоён бўлди.

Биринчидан, мазкур криптобиржада криптовалюталар сони анча кам, яъни танлов қамрови тор. Иккинчидан, бунда кунлик савдо ҳажми ҳам нияҳатда оз бўлиб, айнан шу омил трейдерларга криптобозор ҳолатини таҳлил қилишда қийинчилик туғдиради. Учинчидан, криптобиржадаги даврий янгилашиллар оралиги ҳам узоқ, яъни биржада аллақачон хусусиятини йўқотган ҳамда бошқа жойда умуман учрамайдиган тангалар талайгина. Бу эса инвесторларнинг маблағ йўқотиш хавфини оширади.

Шу ва бошқа омиллар туфайли кўпчилик бу биржадан фойдаланишга иккиланади. Бироқ топ криптобиржалардан фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Бу эса мамлакатимизда бутун дунё томонидан келажак сифатида қаралаётган криптовалюта соҳасидаги ўсишига ҳамда ёшлар томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига олиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда йил бошидан бунён 12 киши криптоактивлар айланмаси соҳасидаги қонунийликни бузган. Улар турли муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки жаримага тортилган. Уларнинг деярли барчасини ёшлар ташкил этади.

Энди савол туғилади, агар мамлакатимизда лицензияга эга биржалар имконияти юқори бўлганда, шу ёшлар ноқонуний биржалардан фойдаланар эдимиз? Катта эҳтимол билан — йўқ. Бу эса масъуллар олдиға соҳани янада такомиллаштириш ҳамда нуфузли криптобиржалар билан ҳамкорликни муҳокама қилиш масаласини қўяди. Токи мамлакатимиз ёшлари ҳам келажак касби сифатида қаралаётган трейдерлик билан қонуний ҳамда қийинчиликсиз шуғулланиши лозим. Зеро, дунёда криптовалюта соҳаси иқтисодиётга ижобий ҳисса қўиши мумкин бўлган тармоқ сифатида аллақачон тан олинган.

Долзарб мавзу

Шу кунларда минглаб ёшлар олий таълимни тамомлаб, катта ҳаётнинг навбатдаги эшигини қоқмоқда. Уларнинг баъзилари талабалик давридаёқ ўз ишини топган, муайян соҳанинг мутахассиси. Аммо ўқишни тамомлагач, энди нима иш қилсам экан, деб турганлар ҳам кам эмас. Хўш, ёшлар тўрт йил ўқиб-ўрганиб, сўнг иш топишда нсга муаммага дуч келади? Нима учун иш берувчилар ахши кадрларга доим эҳтиёж сезади?

ЁШЛАРИНИНГ ЯНГИЧА ҚИЁҒАСИ

Таваккалчиликдан илм-фан сари одимлаш фурсати

Дипломи бор, аммо иш-чи?

Жамиятда ёшларнинг иш топишдаги сунъий тўсиқлардан бири ишга қабул қилувчиларнинг тажриба талаб қилишидир. — Ўқишни тугатиб, пойтахтдан иш қидирдим, — дейди хорижда ишлаётган юрtdошимиз Нодир Сирожиiddинов. — Ойлиги яхши жойларга иш сўраб борсам, малакали ўқитувчи керак, деган жавоб олдим. Ишга олишга тайёр ташкилотларда эса маош кам берилар экан. Бундай ҳолат бугун аксарият олий таълим муассасалари битирувчиларини қийнайди. Яхши ўқиш учун ОТМга дарс қолдирмай боришда, аммо тажрибаси йўқлиги учун ишга киролмайди. Нима учун шундай?

билан таъминлайди, деган ўй билан ўқишга ҳужжат топширади. Улар учун ўқишга киришнинг ўзи катта галаба бўлиб туюлади. Шу ерда кўпчилик хато қилади. Чунки олий таълим олиш имкони келажакдаги режаларнинг кичик қисми, холос. Шу сабабли ўқиш даврининг ўзида пухта билим эгаллаш, ишлаш мумкин бўлган ташкилотлар билан алоқа ўрнатиши керак. Яъни иш топиш одамнинг ўзига боғлиқ. Иш берувчининг ёш кадрдан тажриба сўрашидек ҳолатларнинг сабабини билиш чуқур таҳлил талаб этади. Шу ўринда масаланинг ёшларга боғлиқ жиҳатига эътибор қаратсак.

Келажак касбларини танлашга тайёрмизми?

Одамлар бугунгача аксарият ҳолларда даромади мўл, иши энгил касбларни танлаган. Бундан сўнг эса "ўлмайдиган" касбларни танлашга тўғри келмоқда. Чунки сунъий интеллект қўл кучи ва ақлий меҳнат эгаларига муносиб рақобатчи бўлиб шаклланыпти. Илм-фан тараққиёти

бўйича АҚШ ассоциациясининг Вашингтонда ўтган йиллик йиғилишида ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг 70 фоизи робот техникасининг ривожланиши сабабли ишсиз қолади, деган хулосага келган. Айни пайтда сунъий идрок копирайтерлик, журналистика, ўқитувчилик, ҳуқуқшунослик каби ақлий меҳнат талаб қиладиган ишларни ҳам эгаллаб олиш эҳтимоллиги ошиб бормоқда. Ҳа, ҳозирча сунъий идрокнинг интеллекти мактабни битирган ўртамакна ўқувчининг ақлий қобилиятидан паст. Аммо у йилдан йилга такомиллаштирилмоқда. Яна бир жиҳат бор: мутахассислар фикрича, 2017 йилдан сўнг туғилган болаларнинг 68 фоизи қандай касб танлашини тахмин қилиб бўлмайди. Сабаби, уларга аталган келажак касблари ҳали кашф қилинмаган. Бу замон бизга боқмаса, биз замонга боқишимиз зарурлигини англайди. Яъни биз қарашларни ўзгартирмас, тафаккуримиз орқали жаҳон сахнида содир бўлаётган янгиликларни таҳлил қилмас эканмиз, замондан ортда қолиб, келажак олдда ҳисоб беролмай қолишимиз мумкин.

тизимлари менежери, физиклар ва жароҳлар, бозор тадқиқотлари таҳлилчиси ва маркетинг мутахассислари, илова дастурий таъминотини ишлаб чиқувчилар, сертификатланган тиббий ходим ва ҳамшира каби жой олган. Эътибор қилсангиз, бу касбларнинг кўпи юртимизда энди ривожлана бошлаган. Аксарият ёшларда эса ҳали бу касбларнинг аҳамияти у ёқда турсин, улар ҳақида бошланғич тасаввур ҳам шаклланмагани одамни ўйлантиради. Демак, энди мақсад фақат ўқишга кириш бўлиши керак эмас. Зеро, ҳаётга реал қарашни ўрганишимиз шарт. Чунки милтиқни кўтарган билан овчи бўлмас, дағдаға солган билан — довчи.

Бугун аксарият давлатлар асосий эътибор ва маблағни таълимга йўналтириш орқали тобора яқинлашиб келётган инсон ва техника рақобатига мос кадрлар тайёрлаш ва ёшларнинг янги касбларни эгаллашига қаратмоқда. Юртимизда ҳам бу борада жиддий ўзгаришлар бўлаётганини эътироф этиш керак. Жўмладан, Тараққиёт стратегиясида ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан муайян касб-хўнарга ўқиш имкониятини яратиш, касбга ўқитиш қўламини 2 баробар ошириб, жами 1 миллион ишсиз фуқарони касб-хўнарга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасалари иштирокини 30 фоизга етказиш белгилангани ҳам ёшлар учун мактаб давриданок фаровон келажак асоси яратилишига эътибор қаратилганидан далолат.

Президентимизнинг "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармониға биноан мазкур йўналишда жиддий ўзгаришларга йўл очилди. Масалан, энди олий таълимга қабул қилишда меҳнат бозори ўрганилиб, кадрларга эҳтиёж ҳисобга олинади. Бу битирувчиларнинг иш топишда қийналмаслигиға хизмат қилади. Чунки олий маълумотли



Сардор ТОЛЛИБОВЕВ, "Анги Ўзбекистон" мухбири

кадрларга талаб доим прогност қилиб борилади. 2025 йил 1 майга қадар "Ўзбекистон янги касблар атласи" электрон платформаси яратилади.

Бундай ўзгаришлар кишини қувонтиради, албатта. Ислохотлар натижа бериши учун эса ўзимиз ҳам шунга тайёр бўлишимиз керак. Бироқ аксарият ёшлар бунини ҳали тўла англаб етгани йўқ. Шу боис, келажак касблари ҳақида болаларга кўпроқ маълумот бериб бориш зарур. Зеро, ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам келгусида меҳнат бозори қандай бўлишини тасаввур қила олиши даркор.

Ҳозирги давр ёшларига осон эмас. Улар касб танлашда келажакни кўра олиши, сўнг шунга муносиб ўқиб-ўрганиши керак. Бунинг учун тафаккуримизни ўзгартирмасак бўлмайди. Шу каби фикрлар хулоса чиқаришга, хулосалар эса мулоҳазага ундайди. Бугун олтин балиқ тутиш, сеҳри чироқни орзу қилиб вақтни ўтказиш эмас, энг аввало, илм олиш, ўқиганда ҳам келажакни тасаввур қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА 2017 ЙИЛДАН СЎНГ ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРНИНГ 68 ФОИЗИ ҚАНДАЙ КАСБЛАРНИ ТАНЛАШНИ ТАХМИН ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. САБАБИ УЛАРГА АТАЛГАН КЕЛАЖАК КАСБЛАРИ ҲАЛИ КАШФ ҚИЛИНМАГАН.

АҚШ меҳнат вазирлиги жаҳон меҳнат бозорини ўрганиб, келажакда энг кўп ҳақ тўланадиган 30 та касбини эълон қилди. Бу рўйхатдан компьютер ва ахборот



Эътироф

АЖИБ ТУЙҒУЛАРНИ УЛАШУР



Ватан! Ватан ўзини маънавият — меҳрибон онам, меҳнаткаш отам, жонқуяр момом, тўпалончи укам ва мен таниган, мен учун қадрли инсонлар. Бундан ташқари, жонажон қишлоғим, мактабим ва, албатта қадрли уйим, мен шундай тушунаман Ватанни.

Ватан — мен билганлар ичида энг муқаддас сўз. Чунки бу сўз ҳаётимдир! Юрагимда орзуларим кўп, гўё бу орзулар Ватан сўзига чамбарчас боғланиб олгандек. Аслида, юрагимга бу ажиб орзуларни солган ҳам Ватан.

момом ёнига югурардим, дардимни айтиб ёрдан сўрардим. Момом гапларимни тинглаб қуларди: “Болам сен ким биландир курашининг шарт эмас, вазифанг яхши ўқиш ва яхши инсон бўлиш, шундагина келажақда Ватанингга, элинга фойдаси тегадиган инсон бўласан”, дерди. Шундан сўнг бор кучимни ўқишга бера бошладим.



Дилнура ИБРАГИМОВА, Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 20-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси

машаққат чекишим керак. Бу синовлар мени чўчкитмайди. Чунки мени қўллаб-қувватлаётган устозларим, яқинларим сиймосида ВАТАНИМ бор!

Раёбат

Тақдир тақозоси билан жуда кўп давлатга борганман. Сафарларим давомида дунёнинг энг машҳур инсонлари билан учрашиб, суҳбатидан баҳраманд бўлиш насиб этган. Мен борган юртларда ўша машҳур инсонлардан кам бўлмай яшаётган ватандошларимизни кўриб, кўнглим ёришган. Бу одамлар илми, салоҳияти ва қобилияти билан ривожланган давлатларда ўз ўрнини топган. Уларнинг аксарияти ёшлар.



Отабек МАҲКАМОВ, актёр, ҳуқуқшунос, блогер

ЁШЛАРИМИЗДА НАФАҚАТ УМИД, балки энтузиазм ҳам бўлиши керак

Бугун мамлакатимиздаги янгила-ниш жараёни самараси нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда истиқомат қиляётган юртдошларимиз ҳаётида ҳам сезила бошлаган. Айниқса, Президентимизнинг ўтган йили АҚШ-га амалий ташрифи билан бориши ва у ерда истиқомат қиляётган ватандошлар билан учрашгани катта воқеа бўлди.

Қадрли ёшлар, куч-қувват, шижоат сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Ҳар доим ёдда тутинг: келажақ айнан сизнинг қўлингизда. Муносиб келажақ барпо этиш учун эса сизда қатор инсоний сифатлар бўлиши керак. Улар ҳақида ҳиндистонлик давлат арбоби Робиндранат Тагор бундай деган: “Ёшларимизда нафақат умид, балки энтузиазм ҳам бўлиши керак!”.

Дил изҳори

Болалигимдан актёрликка ҳавас қилардим. Албатта, бугунги кунга етиб келгунча ҳамма каби ҳаётнинг муайян довларидан ўтдим. Баъзан кадоб пиширишда отамга ёрдан берардим. Вақт ўтиб омадимни тadbirkorлик соҳасида ҳам синаб кўрдим. Ўша вақтлари “пайнет” очиб урфга кирган эди. Мен ҳам таваккал қилиб, шу ишнинг бошини тутдим. Аммо бу соҳада ишим юришмади.



Бобур МАНСУРОВ, актёр, режиссёр, вайнер

ИШОНЧ, МЕҲНАТ — ЮТУҚЛАР МАНЗИЛИ

Ўқишга ҳужжат топшириб, киролмадим. Бу орада ҳарбий хизматни ўтаб, яна омадимни ўқишда синаб кўрдим. Актёрлик ҳам касоби, ундан кўра бошқа соҳаларда омадимни синаб кўр, деганлар ҳам бўлди. Ўқишга кирдим.

Бугун аксарият ёшлар қисқа вақтда машурликка эришишни орзу қилиб, мақсадидан чекинаётгани ҳам бор гап. Ингирма тўққиз ёшимда ҳам даромадга эга эмасдим. Баъзан чет элга ишлашга кетишга ҳам қарор қилганман. Бироқ дўстларимнинг ишончи, биргаликдаги сазой-ҳаракатимиз, меҳнатимиз самара бера бошладим.



Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

Чорлов Қаламим, кел, илҳомим Келмоқчига ўхшайди. Юракда ислохотлар, Бўлмоқчига ўхшайди.

Жонибек АЛИЖОНОВ

Юрагингда оловинг бўлсин Бугун бизга тош отганлар Гулу чечак отади бир кун. Қўяверинг, бизни сотганлар Ўз-ўзини сотади бир кун.

Сайфиддин ОКАНОВ

Энг чиройли уй Энг чиройли гўша — бизнинг уй, Оқланмаган бўлса-да гарчи. Уй ичидан таралади куй, Шеърларимга оқ қоғоз жарчи.

Турткидир суюк дардлар, Ойнинг юзида гардлар, Ёрқинлик сари баттар, Тўлмоқчига ўхшайди.

Ғам чекмоқдадир ғамлар, Армонлар армон ғамлар, Аламидан аламлар, Ўлмоқчига ўхшайди.

Зумдадур зумлигимиз, Жим бўлсин жимлигимиз. Кимлардир кимлигимиз, Билмоқчига ўхшайди.

Ишонганим Худодир, Ва шубҳасиз дуодир. Шундан ёруғ сабоблар, Ўлмоқчига ўхшайди.

Салом, хуш келгин, омад! Ғалабалар — марҳамат! Кулиб боқсам менга бахт Кулмоқчига ўхшайди!

Кимлардир кимлигимиз, Билмоқчига ўхшайди!

Азиз дўстим, ватанлараро Кўзга суртар яловинг бўлсин. Чўнтагингда чақмоқтош эмас, Юрагингда оловинг бўлсин.

Қачон меҳнат тугар, демагил, Гулинг борми, элингни гуллат. Дангасалик қила олмас, бил Болаларин ўйлаган миллат!

Тинмаган эл ютади бир кун, Синмаган эл ютади бир кун. Қаторларда куйи турмоққа Кўнмаган эл ютади бир кун.

Нафасингни чўғ қилгин, дўстим Сен кўнглингни тўқ қилгин, ўстим Буюкликка ҳаққи бор бу юрт Мақсадига етади бир кун.

Қишлоғимда ўсган дарахтлар Рақсга тушар шамол куйига. Бу мўъжиза илҳом варақлар, Тушаман мен шоир куйига.

Туманимиз — қозон ичида, Муҳаббатнинг қайнашини кўр. Сўзламайман тилим учуда, Ғаллаорол шевалари зўр.

Мақташ эмас ниятим, аммо Тўкиб солай дилда борини. Ҳеч қаерда кўрмадим асло Жиззахимнинг гулбахорини.

Муҳаббатим ошар кун сайин, Бўй таратиб тўртта томонга. Юраккинам тўлиб айттайин: Мен ошиқман Ўзбекистонга!

ҲАТТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБЕСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ Бош муҳаррир: МУАССИС: Салим ДОНИЁРОВ Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2233. 44065 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилми: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 00:55